**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ БОБИР АЛИШЕРОВИЧ

ШОШИЛИНЧ ЖАРРОХЛИКДА СЕМИЗЛИК ФОНИДА ТАШРИХДАН КЕЙИНГИ САФРОЛИ ОҚМАЛАРДА ЖАРРОХЛИК ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

УЎК: 616.366-089.85.612.357

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эгамбердиев Бобир Алишерович
Шошилинч жаррохликда семизлик фонида ташрихдан кейинги сафроли оқмаларда жаррохлик тактикасини такомиллаштириш..... 3

Эгамбердиев Бобир Алишерович
Оптимизация хирургической тактики при послеоперационном желчеистечении на фоне ожирения в ургентной хирургии..... 25

Egamberdiev Bobir Alisherovich
Optimization of surgical tactics for postoperative bile leakage due to obesity in urgent surgery..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...…….. 49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ БОБИР АЛИШЕРОВИЧ

ШОШИЛИНЧ ЖАРРОХЛИКДА СЕМИЗЛИК ФОНИДА ТАШРИХДАН КЕЙИНГИ САФРОЛИ ОҚМАЛАРДА ЖАРРОХЛИК ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4151 рақам билан рўйҳатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ботиров Акрам Кодиралиевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Акбаров Миршавкат Миралимович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Мусашайхов Хусан Таджибаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «____»_____соат____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйҳатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «__ _» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов
Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 10% дан ортиғи ўт тош касаллигидан (ЎТК) азият чекади ва касалликларнинг умумий таркибида юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабетдан кейин учинчи ўринда туради[1]. ЎТК 30% беморларнинг хирургик стационарларга ётиш сабабчисидир. Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликлари билан касалхонага ётқизилган беморлар таркибида ўткир холецистит ўткир аппендицитдан (26,4%) кейин иккинчи (24,4%), шошилинч ва тезкор ташрихлар таркибида аппендектомиядан (42,5%) кейин иккинчи ўринда (25,3%) туради. Бугунги кунда бу кўрсаткичлар йилига тахминан 1,5 миллионни ташкил этади ва қорин бўшлиғида бажарилган барча бошқа аралашувлар сонидан ошиб кетади. Холецистэктомиядан (ХЭ) кейинги эрта асоратлар орасида энг муҳими – йилига 1 дан 4% гача учрайдиган сафро оқиши (СО) ҳисобланади. Бу кўрсаткич лапароскопик ХЭ дан фойдаланиш билан, шунингдек, конверсия ҳолатларида, хирургик аралашув пайтида қийинчиликлар ва асоратлар пайдо бўлганда ортади. Сафро оқиши очиқ ХЭ дан сўнг 5-15%, кичик кесмали ХЭ дан сўнг 3,6% ва ЛХЭ дан кейин 2-5% ҳолларда кузатилади. Замонавий жарроҳликнинг ривожланиши ва муваффақиятларига қарамай, 16-25% беморларда “кечиктирилган”, 0,6-17% беморларда эса “беҳуда” қайта ташрихлар ўтказилади. Ўт пуфагининг (ЎП) яллиғланиш касалликлари семизлик фонида юзага келадиган беморлар мутлақо ўзига хос гуруҳни ташкил қилади. Республикамизда ҳам семизлик мавжуд одамлар сони ортиб бораётганлиги ташвишлидир. Шошилинч ташрихлардан кейин сафро оқиши туфайли қайта ташрихларнинг частотаси ва ташрихдан кейинги ўлим даражаси барқарор равишда юқори бўлиши ҳам хавотирлидир. Шу муносабат билан, сафро оқишида жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришга ёрдам берадиган такомиллаштирилган ташхисот ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш эътиборга лойиқдир.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ўт тош касаллигининг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиш ҳолатларида илмий асосланган клиник кўрсатмаларни ишлаб чиқиш энг долзарб бўлиб қолмоқда. Бир қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда, мураккаб лапароскопик холецистэктомия пайтида шикастланишнинг олдини олиш учун флуоресцент бўёқ сифатида индоцианин яшилидан фойдаланган ҳолда ўт йўли анатомик тузилмаларини интраоператив визуализация қилиш имкониятларини ўрганиш, субтотал холецистэктомия билан боғлиқ бўлган сафро оқишини башорат қилиш учун кўп логистик регрессия модели ишлаб чиқиш, шунингдек, мавжуд мета-таҳлиллар асосида турли хил холецистэктомия усулларининг хавфсизлигини аниқлаш учун кўп марказли тадқиқотлар улардан энг долзарблари ҳисобланади.

[1] https://platform.who.int/mortality/themes/theme-details/topics/indicator-groups/indicator-group-details/MDB/gallbladder-and-biliary-diseases

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари ва усулларини жорий этиш орқали ўт йўлларининг ўткир жарроҳлик патологиясини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган[2]. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан семизлик фонида тошли холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқишини даволаш натижаларини жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш орқали яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли шошилинч хирургиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда ЎТК ўт йўллари тизимининг турли касалликларининг 50-65% ни ташкил қилади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2017). Хорижий адабиёт маълумотларига кўра, АҚШда 20 миллионга яқин одам ЎТК дан азият чекади ва ҳар йили тахминан 1 млн янги ҳолат пайдо бўлади (Ивашкин В.Т., 2016; Жукова Е.В., 2018; Бебуришвили А.Г., 2019; Никитин И.Г., 2020; Натрошвили А.Г., 2021; Littlefield, A., 2019; Ravindra N., 2023). Яқин вақтгача ўткир холециститни хирургик даволашда ўлим даражаси 4-6% га, катта ёшдаги гуруҳларда эса 10-26% га етар эди (Луцевич О.Е., 2021). Ҳозирги вақтда ХЭ билан боғлиқ ўлим холециститнинг мураккаблигига қараб 0,45 дан 6% гачани ташкил қилади (Курбонов К.М., 2015; Мишалов В.Г., 2021; Шляхто Е.В., 2017; Basso L., 2020; de Mestral C., 2024; Elshaer M., 2023). Релапаротомияни талаб қиладиган ташрихдан

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

кейинги асоратлар кўпинча шошилинч жарроҳлик аралашувларидан кейин юзага келади (Савельев В.С., 2006). Бир қатор жарроҳларнинг таъкидлашича, бугунги кунгача шошилинч жарроҳлик аралашувлардан сўнг қорин бўшлиғи асоратлари ва релапаротомиядан кейин ўлим даражаси доимий равишда юқори бўлиб қолмоқда. Бунда ўлим даражаси 20,9-37,2% ни ташкил қилади (Измайлов А.Г., 2017; Зубрицкий В.Ф., 2019; Zhou C. et al., 2018). В.С. Савельев ва ҳаммуал. Маълумотларига кўра (2006) диффуз йирингли перитонит билан оғриган ҳар бешинчи бемор такрорий жарроҳлик амалиётидан ўтади.

Сафро оқиши - бу ХЭ дан кейинги ҳолат бўлиб, операциядан кейин бир неча кун давомида жигар ости соҳасидаги дренаждан кунига 20 мл дан ортиқ сафро чиқишидир (Назиров Ф.Г., 2019; Veerank N., 2018). Бу кўрсаткич ўт пуфагини олиб ташлаш учун лапароскопик усулларни қўллашда, шунингдек, конверсия қилиш ҳолатларида, операция вақтида қийинчиликлар ва асоратлар пайдо бўлганда ортади (Курбанов Д.М., 2019; Алтиев Б.К., 2016; Куликовский В.Ф., 2018; Назиров Ф.Г., 2019; Barband A.R., 2021). Релапаротомия - бу мураккаб жарроҳлик аралашувидир, аммо, қорин бўшлиғи аъзоларининг прогрессив патологиясини тузатиш ва юзага келган патологик шароитларни бартараф этишнинг энг самарали усули бўлиб қолмоқда (Бебуришвили А.Г., 2019; Красильников Д.М., 2017; Gero D., 2017). Бироқ, кузатувларнинг 20,8-29,7 фоизида қорин бўшлиғи ичи асоратлари аниқланмай қолади (Врублевский Н.М., 2018). Операциядан кейинги сафро оқиши ривожланишининг сабаблари ҳар хил (Галингер Ю.И., 2007; Куликовский В.Ф., 2018; Лебедев Н.В., 2021). Ятроген шикастланиш ўт йўллари жарроҳлигидаги энг оғир асоратлардан биридир (Курбаниязов З.Б., 2021). Операциядан кейинги эрта асоратлар муаммоси ва қорин бўшлиғининг айрим ўткир касалликларини даволашда релапаротомиядан фойдаланиш бўйича кўплаб нашрларга қарамай, у ҳамон ҳал қилинмаган. АҚШ ва Буюк Британияда жарроҳларнинг 50% гача бўлган қисми ўз касбий фаолияти давомида холецистэктомия пайтида жигардан ташқари ўт йўллари шикастланишининг 1-2 ҳолатини бошдан кечиришади (Connor S, 2022). Кўп сонли нашрларга қарамасдан, умумий қабул қилинган даволаш стратегияси мавжуд эмас ва узоқ муддатли натижалар ҳар доим ҳам қониқарли эмас (Seon Ung Yun, 2017).

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, бутун дунё бўйлаб семизликдан азият чекадиганлар сони уч баравар кўпайган. Ҳозирда семириш эпидемияга айланди: 2016 йил ҳолатига кўра, бутун дунё бўйлаб катталарнинг 39 фоизи ортиқча вазнга эга (Бахвалова М., 2020; NCD, 2017). Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 54 фоизи ортиқча вазнга эга, шу жумладан 19 фоизида семизлик мавжуд (OECD, 2017). Ортиқча вазнни ҳамда семизликни ташхислаш ва унинг даражасини баҳолаш учун тана вазнини, бўйни ўлчаш ва ТВИни аниқлаш тавсия этилади (ЖССТ, 2018; Дедов И.И., 2020). Ҳозирги вақтда юқумли бўлмаган касаллик сифатида тан олинган семизлик жуда долзарбдир (ЖССТ, 2022). Республикамизда ҳам семизлик мавжуд одамлар сони ортиб бораётганлиги ташвишлидир.

Ўтказилган адабиёт маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунгача операциядан кейинги қорин бўшлиғи асоратлари, хусусан, СО, шунингдек, қайта операция кўламини ўз вақтида ташхислаш масалалари кенг муҳокама қилинмоқда. Шошилинч жарроҳлик шароитида ўт тош касаллиги семизлик билан бирга кузатилганда вазият янада оғирлашади. Бироқ, ҳозирги кунга қадар операциядан кейинги эрта асоратларни олдини олиш, юзага келган асоратни ишончли тарзда коррекциялаш ва ҳар бир алоҳида ҳолат учун уни тугатиш усули бўйича асосли тавсиялар мавжуд эмас. Семизлик мавжуд беморларда сафро оқишида қайта операция қилиш зарур бўлганда, кўпинча кеч ташхислаш ва кечиктирилган такрорий жарроҳлик аралашуви кузатилади. Буларнинг барчаси семизлик фонидаги ЎТХни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кейинги тадқиқотларга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ “Инсон хирургик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2022-2024 й.).

Тадқиқотнинг мақсади семизлик фонида тошли холециститнинг шошилинч жарроҳлигида хирургик тактикани оптималлаштириш орқали сафро оқишини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

семизлик фонида калькулёз холецистит шошилинч жарроҳлигида сафро оқишини даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш, шунингдек, ташрихдан кейинги асоратлар хусусиятлари, тузилиши ва ўлим частотасини аниқлаш;

семизлик фонида калькулёз холецистит шошилинч жарроҳлигида сафро оқишида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш имконини берувчи ташхисот ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

шошилинч жарроҳликда семизлик фонида ташрихдан кейинги сафро оқиши ҳолатларида инвагинацион қийшиқ-кўндаланг холедоходуодено-анастомознинг модификацияланган усулини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини асослаш;

оптималлаштирилган жарроҳлик тактикасидан фойдаланган ҳолда шошилинч жарроҳликда семизлик фонида сафро оқишини хирургик даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида ва АДТИ Клиникасининг 3-хирургия бўлимида шошилинч хирургияда семизлик фонида сафро оқиши туфайли қайта ташрих ва қайта лапароскопия ўтказилган 72 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида оптималлаштирилган хирургик тактиканинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

семизлик фонида тошли холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида ташрихдан кейинги асоратлар, частотаси, хусусиятлари ва сабаблари аниқланган;

семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи такомиллаштирилган ташхисот ва даволаш ёндашуви ишлаб чиқилган;

семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида ташрихдан кейинги сафро оқишида яхшироқ арефлюкс хусусиятларга эга бўлган, холедоходуоденоанастомоз стенозини бартараф қилиш ҳамда холангит ва чоклар етишмовчилиги ривожланиши эҳтимолини камайтириш билан тавсифланувчи модификацияланган инвагинацион қийшиқ-кўндаланг холедоходуоденоанастомоз усули ишлаб чиқилган;

калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида асорат сифатида ташрихдан кейинги сафро оқишида семизлик даражаси, асорат сабаблари ва йиғилган сафро суюқлиги миқдорини инобатга олган ҳолда каминвазив ёки очиқ усулдаги қайта ташрихларни ўтказишга кўрсатмаларни аниқлаштириш билан тавсифланувчи хирургик тактика ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида ишлаб чиқилган ташхисот ва даволаш ёндашувининг клиник самарадорлиги асосланган;

семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида ташрихдан кейинги сафро оқишида инвагинацион қийшиқ-кўндаланг холедоходуоденоанастомознинг модификацияланган усулини клиник қўллаш самарадорлиги аниқланган;

семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида ташрихдан кейинги сафро оқиши ҳолатларида релапароскопия ва релапаротомия қилиш кўрсатмалари аниқлаштирилган;

семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида ташрихдан кейинги сафро оқишида оптималлаштирилган жарроҳлик тактикасини қўллаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар хамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида

ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда ўлимнинг тузилиши, частотаси, хусусиятлари ва сабабларига, шунингдек, семизлик даражаси, асорат сабаблари ва йиғилган сафро суюқлиги миқдорини инобатга олган ҳолда каминвазив ёки очиқ усулдаги қайта ташрихларни ўтказишга кўрсатмаларни аниқлаштиришга оид мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи такомиллаштирилган ташхисот ва даволаш алгоритми ҳамда инвагинацион қийшиқ-кўндаланг холедоходуоденоанастомознинг модификацияланган усули ишлаб чиқилганлиги, натижада қайта ташрихлар ўтказиш, асоратлар ривожланиши ва ўлим ҳолатлари частоталари камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Семизлик фонида тошли холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқишини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/5-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: семизлик фонида тошли холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида ташрихдан кейинги асоратлар, частотаси, хусусиятлари ва сабаблари аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №79) ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича буйруқ (18.10.2024 й.; №138) билан клиник бўлимлар амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Семизлик фонидаги ўткир тошли холециститни хирургик даволашда ташрихдан кейинги сафро оқиши ҳолатларида ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда ўлимнинг тузилиши, частотаси, хусусиятлари ва сабабларини инобатга олиш асоратлар частотасини камайтиради ва беморлар хаёт сифатини яхшилайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: семизлик фонидаги ўткир тошли холециститни хирургик даволашда ташрихдан кейинги сафро оқиши ҳолатларида ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда ўлимнинг тузилиши, частотаси, хусусиятлари ва сабабларини инобатга олган ҳолда хирургик тактикани такомиллаштириш натижасида 1 нафар беморнинг шифохонада қолиш муддати ўртача 10,8 кундан 5,4 кунгача қисқариб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 999 минг сўмга камайган; шифохонада бўлиш давринг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган. Хулоса: такомиллаштирилган хирургик тактикани амалиётга жорий қилиниши билан ётоқ-ўрин айланмасининг ҳисобига ҳаражат камайишидан бир нафар бемор учун 999 минг сўмни, тадбиқ кўлами бўйича ўртача (29 бемор) 28971000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи такомиллаштирилган ташхисот ва даволаш ёндашув ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №79) ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича буйруқ (18.10.2024 й.; №138) билан клиник бўлимлар амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида сафро оқиши ҳолатларида ишлаб чиқилган ташхисот ва даволаш алгоритмининг қўлланилиши асоратларни эрта ташхислаш ва даволашнинг мақбул усулини танлаш имконини беради, натижада беморларда жарроҳлик амалиётларидан ногиронликни камайтиришга ва меҳнат қобилиятини тиклашга эришилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқилган ташхисот ва даволаш алгоритмининг қўлланилиши сабабли даволашга сарфланган ҳаражатларнинг пасайиши ҳисобига 1 нафар бемор учун (прейскурант бўйича 1 кунлик ётоқ ўрин 270 минг сўм) 999 минг сўм пул тежалишига имкон берган. Хулоса: ташрихидан кейинги асоратларни олдини олишга сарфланган материаллар ва дори воситаларини қисқартириш ҳисобига бир нафар бемор учун 9970000 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида ташрихдан кейинги сафро оқишида яхшироқ арефлюкс хусусиятларга эга бўлган, холедоходуоденоанастомоз стенозини бартараф қилиш ҳамда холангит ва чоклар етишмовчилиги ривожланиши эҳтимолини камайтириш билан тавсифланувчи модификацияланган инвагинацион қийшиқ-кўндаланг холедоходуоденоанастомоз усули ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №79) ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича буйруқ (18.10.2024 й.; №138) билан клиник бўлимлар амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. семизлик фонида калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида ташрихдан кейинги сафро оқишида инвагинацион қийшиқ-кўндаланг холедоходуоденоанастомознинг модификацияланган усули ХДА стенозини бартараф қилиш ҳамда холангит ва чоклар етишмовчилиги ривожланиши эҳтимолини камайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқилган холедоходуоденоанастомознинг модификацияланган усулини амалиётга жорий қилиш 1 нафар беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 10,8 кундан 5,4 кунгача қисқартириши хисобига дори-дармон кам талаб этилган. Хулоса: ишлаб чиқилган холедоходуоденоанастомознинг модификацияланган усули ётоқ-ўрин айланмасининг ошиши ҳисобига ҳаражат камайишидан 1350000 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: калькулёз холециститнинг шошилинч жарроҳлигида асорат сифатида ташрихдан кейинги сафро оқишида семизлик

даражаси, асорат сабаблари ва йиғилган сафро суюқлиги миқдорини инобатга олган ҳолда каминвазив ёки очиқ усулдаги қайта ташрихларни ўтказишга кўрсатмаларни аниқлаштириш билан тавсифланувчи хирургик тактика ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (04.05.2024 й.; №79) ва РШТЁИМ Фарғона филиали бўйича буйруқ (18.10.2024 й.; №138) билан клиник бўлимлар амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Ишлаб чиқилган хирургик тактикани қўллаш асоратлар частотасини камайтиришга, хаёт сифатини оширишга, шунингдек ўлими частотасини пасайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган тактикадан фойдаланиш асоратларни олдини олиш имконини беради, қўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Стационар даволаниш учун энг кам харажат ҳар бир кун учун 270000 сўмни ташкил қилгани ҳолда, шифохонада қолиш муддатлари қисқариши ҳисобига 1 нафар беморга 1 кунда 270000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: Тавсия этилган тактика келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ва касалхонада бўлиш вақтини қисқартиради ҳамда тадқиқот кўлами бўйича ушбу усул қўлланилган 29 нафар беморларда 1 кун учун 7830000 сўм бюджет маблағлари тежалади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодалаб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини пробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Семизлик фонида шошилинч холецистэктомиядан сўнг юзага келган операциядан кейинги сафро оқиши ҳолатларида релапаротомия ва релапароскопия муаммосининг ҳолати»** деб номланган биринчи бобида ўткир тошли холецистит ва операциядан кейинги сафро оқиши муаммосининг эпидемиологияси ва замонавий ҳолати, семизликнинг эпидемиологияси, клиник жиҳатлари ва бу муаммонинг бугунги ҳолати,

шунингдек абдоминал жарроҳликда релапаротомия ва релапароскопияга (тушунчалар, сабаблар, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чоралари) бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиёт маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ягона жарроҳлик тактикаси мавжуд эмас ва даволаш ва диагностика алгоритмлари такомиллаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда тиббиёт фанлари, техникаси ва амалий жарроҳлик ютуқлари нуқтаи назаридан, шошилинч жарроҳлик шароитида семизлик шароитида операциядан кейинги СОда релапаротомия ва релапароскопия самарадорлиги масалалари муаммоли бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқотни ўтказиш учун сабаб бўлди.

Диссертациянинг **“Клиник материал хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берилган бўлиб, тадқиқот иши 2016-2023 йилларда РШТЁИМ Андижон филиалининг биринчи ва иккинчи жарроҳлик бўлимлари, шунингдек, Андижан давлат тиббиёт институти клиникасининг 3-жарроҳлик бўлими клиник базаларида ЎТК бўйича операция қилинган 2169 бемордан 72 нафарида операциядан кейинги СО ни жарроҳлик даволаш ретроспектив ва проспектив таҳлили натижаларига асосланган.

Истисно мезонлари: семизлик аломатларисиз кечаётган ўткир холецистит; морбид семизлик аниқланиши; жарроҳлик муолажасидан воз кечиш; кейинги кузатувни амалга ошириш имконияти йўқлиги; беморнинг ёши 18 ёшдан кичик бўлиши; ҳомиладорлик; механик сариқлик билан ёки ундансиз кечаётган холедохолитиаз мавжудлиги; тадқиқотда иштирок этишга тўсқинлик қилувчи оғир руҳий бузилишлар; декомпенсация босқичида бўлган ҳамроҳ терапевтик патология мавжудлиги.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинди:

- назорат гуруҳи – (2016-2019 йиллар) – анъанавий ёндашувларга мувофиқ жарроҳлик даволаш натижалари ретроспектив таҳлил қилинган 43 (59,7%) бемор;

– асосий гуруҳ – (2020–2023 йиллар) – 29 (40,3%) бемор, уларга оптималлаштирилган хирургик тактикадан фойдаланган ҳолда жарроҳлик даволаш бўйича проспектив тадқиқот ўтказилган.

Тадқиқотга олинган беморларни Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ, 2021)нинг ёш классификациясига мувофиқ тақсимланди. Шунга мувофиқ, катта ёшдаги (60-74 йил) ва қария ёшдаги (75-90 йил) беморлар битта гуруҳда бирлаштирилган. Асосий хирургик патологиянинг бир хиллиги, махсус ёрдам кўрсатиш шароити тенглиги, ҳамроҳ касалликларининг бир хиллиги ва уларнинг учрашиш жиҳати тенглиги, шунингдек, операция интервенцияларининг характери миқдорий кўрсаткичларни бирлаштирилган шаклда тақдим этиш имконини берди.

Ўткир калькулёз холециститда (ЎКХ), ўт пуфагига (ЎП) жарроҳлик аралашувлардан сўнг, операциядан кейинги СО бўлган беморларнинг энг катта контингенти 45-59 ёшда - 41 (56,9%), яъни, балоғат ёшида аҳолининг энг меҳнатга лаёқатли қисмини ташкил этувчи ва муҳим тиббий ва

иқтисодий аҳамиятга эга ёшни ташкил қилди. 45-59 ёшдаги беморларнинг касалланиш даражаси 19-44 ёшдагиларга қараганда 4,5 баравар (↑ 4,5%) ва 60 ва ундан катта ёшдагиларга нисбатан 2 баравар юқори. 19-44 ёшдаги 9 нафар (12,5%) беморда операциядан кейинги СО ташхиси қўйилган. 60 ёш ва ундан катта ёшда, яъни кексаларда – 22 (30,6%) бемор, бу катта тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга. Бундан ташқари, 60 ва ундан катта ёшдаги одамларда касалланиш 19-44 ёшдаги беморларга қараганда 2,5 баравар юқори (↑ 2,4%).

СО билан оғриган беморлар жинси бўйича таҳлил қилинганда, 33 (45,8%) эркаклар ва 39 (54,2%) аёлларни ташкил қилди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, ОҲда эркаклар ва аёллар нисбати ўртача 1:4 бўлсада, операциядан кейинги СО пайдо бўлганда, эркакларда аёлларга қараганда 1,2 % камроқ содир бўлганлиги аниқланди, бу эса кейинчалик ушбу вазиятни чуқурроқ таҳлил қилиш учун сабаб бўлди.

ЎТКда операциядан кейинги СО бўлган энг катта контингент 2-даражали семириш билан бўлган - 41 (56,9%) беморни ташкил қилди. Тадқиқотга олинган беморларда биринчи даражали семизлик 19 (26,4%) беморда аниқланган – (2 марта кам – p <0,001), ва учинчи даражали семизлик 12 (16,7%) беморда аниқланган – (3 марта кам – p <0,001). Барча кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган. Барча даражали семизлик ҳолатларида жарроҳлик тактикаси ва техникаси нуқтаи назаридан муайян муаммолар юзага келган, лекин улар учинчи даражали семизликда янада яққолроқ намоён бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Семизлик даражаси бўйича тақсимот

	Семириб кетиш даражалари							
	биринчи		**иккинчи**		**учинчи**		**Жами**	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Жами	19	26.4	41	56.9	12	16.7	72	100
	-		←↑↑ ***		←↑↑ ***, ↖ ↑ **		-	

Эслатма : ← - олдинги устунга муносабат, ↖ - олдинги устунга муносабат, ↑ - ошиш. ↖ ↑ ** - p<0,01, ←↑↑ * - p<0,001.**

Операциядан кейинги СО даражаси Morgenstern L. (2006) таснифи бўйича аниқланди.

Операциядан кейинги ЖИ, семизлик фонда, энг кўп флегмоноз шаклда аниқланган – 33 (45,8%) беморда. Семизлик фонда, операциядан кейинги ЖИ оддий шаклда 25 (34,7%) беморда аниқланган – (1,5 марта камроқ – p <0,01), ва гангреноз шаклда 14 (19,4%) беморда аниқланган – (1,3 марта камроқ – p <0,001). Барча кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган (2-жадвал).

Тадқиқотга олинган беморларда операциядан кейинги даврда СО даражалари қуйидагича асоратланган: I даражали СО – 33 (45,8%), II даражали СО – 29 (40,3%) беморда ва III даражали СО – 10 (13,9%) беморда. I даражали СО билан II даражали СО орасидаги нисбат 1,14% (p <0,001)

бўлган ва III даражали СО га нисбатан бу фарқ 3 марта кўп (р <0,01). Шу билан бирга, II даражали СО билан III даражали СО орасидаги нисбат 3 мартадан кўп бўлган (р <0,001). Барча кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган.

2-жадвал

Ўт пуфагидаги патологик ўзгаришлар даражаси бўйича тақсимлаш

	ўт пуфагидаги патологик ўзгаришлар даражалари							
	оддий		**флегмоноз**		**гангреноз**		**жами**	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Жами	25	34.7	33	45.8	14	19.4	72	100
	-		←↑↑ ***		←↑↑ ***, ↖ ↑ **		-	

Эслатма : ← - олдинги устунга муносабат, ↖ - олдинги устунга муносабат, ↑ - ошиш. ↖ ↑ ** - p<0,01, ←↑↑ * - p<0,001.**

Операциядан кейинги СОнинг манбалари 11 кузатишда ўт пуфаги ўриндиғидаги қўшимча (аберрант) сафро йўллари (Люшка йўли) билан боғлиқ бўлган, 29 кузатишда лигатура ва клипсанинг сирғаниши сабабли ўт пуфаги чўлтоғи етишмовчилиги, 19 кузатишда – магистрал сафро йўлларининг ятроген шикастланиши, 3 беморда – гепатикохоледох деворидаги деффектдан СОдан келиб чиққан ва 4 беморда умумий сафро йўлидаги дренажнинг ўз-ўзидан чиқиб кетиши туфайли СО аниқланган. 6 кузатишда манба аниқланмаган, чунки СО ўз-ўзидан тўхтаган. Семизлик фонида операциядан кейинги СО ЛХЭ (лапароскопик холецистэктомия)дан сўнг 30 (41,7%) беморда, мини-доступдан ХЭ дан сўнг 26 (36,1%) беморда ва «анъанавий» ХЭдан сўнг 16 (22,2%) беморда содир бўлган. 33 (45,8%) беморда турли хил ҳамроҳ терапевтик патологиялар аниқланган. Икки ва ундан ортиқ терапевтик патологиялар мавжуд бўлган беморларда (6 (8,3%)) хирургик тактикани аниқлашда катта муаммолар юзага келган.

Диссертациянинг **«Назорат гуруҳида ургент хирургияда операциядан кейинги сафро оқишини хирургик даволаш»** деб номланган учинчи бобида, белгиланган мақсадга мувофиқ, биринчи (ретроспектив) босқичда операциядан кейинги даврда сафро оқиши билан асоратланган беморлар хирургик даволаш натижалари таҳлил қилинган, бунда 2016–2019 йилларда релапаротомия ва релапароскопияда анъанавий ёндашувлар қўлланилган (назорат гуруҳи – 43 бемор). Кузатишнинг ушбу босқичи натижалари шошилинч жарроҳлик аралашувлардан сўнг СО якунларини ва ичакларо анастомозларнинг чокларининг етишмовчилигини (операциядан кейинги асоратларнинг табиати ва частотаси, йирингли-септик асоратлар ва умумий асоратлар, шунингдек ўлим кўрсаткичлари) ўрганиш учун асос бўлди.

Шундай қилиб, семизлик фонида назорат гуруҳида операциядан кейинги СО 34 (3,7%) беморда, йирингли-септик (жарохат) асоратлари ва 63 (6,8%) беморда операциядан кейинги умумий асоратлар ривожланиши кузатилган ва 6 (0,7%) ҳолатда ўлим билан якунланган. Турли жарроҳлик ёндошувларини солиштирганда, анъанавий холецистэктомиядан (ТХЭ) сўнгги асоратлар

частотаси мини-ёндошув билан амалга оширилган холецистэктомияга (МХЭ) нисбатан 6 баравар (p<0,001) ва лапароскопик холецистэктомияга (ЛХЭ) нисбатан 3 баравар (p<0,001) кўп бўлган. Мини-ёндошувда юзага келган йиринглаш кўринишидаги асоратлар ЛХЭга нисбатан 2 баравар камайган (p<0,001). Умумий асоратлар частотаси ТХЭда мини-ёндошув орқали амалга оширилган ХЭга нисбатан 3 баравар кўпроқ (p<0,001) ва ЛХЭга нисбатан деярли 2 баравар кўпроқ (p<0,001) кузатилган. Бироқ, мини-ёндошув орқали бажарилган ХЭда умумий характердаги асоратлар ЛХЭга нисбатан 1,5 баравар камроқ кузатилган (p<0,05).

Операциядан кейинги мониторинг натижаларига кўра, ўткир юрак етишмовчилиги ТХЭда мини-ёндошув орқали бажарилган ХЭга нисбатан 2 баравар кўпроқ (p<0,001) ва ЛХЭга нисбатан 1,5 баравар кўпроқ (p<0,05) кузатилган. Ўткир жигар-бўйрак етишмовчилиги ТХЭда мини-ёндошув орқали ХЭга нисбатан 2 баравар (p<0,001) ва ЛХЭга нисбатан 1,5 баравар (p<0,05) кўпроқ аниқланган. Ўпка артерияси тромбоэмболияси (ТЭЛА) ЛХЭ ва мини-ёндошув орқали ХЭга нисбатан 1,5 баравар кўпроқ ҳолатда кузатилган (p<0,001). Юрак блокадаси мини-ёндошув орқали ХЭда ТХЭга нисбатан 2 баравар (p<0,001) ва ЛХЭга нисбатан 1,5 баравар (p<0,05) кўпроқ ҳолатда аниқланган.

Диссертациянинг “**Шошилинч жарроҳликда операциядан кейинги сафро оқишида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш йўллари”** деб номланган тўртинчи бобида**,** ЎТК учун шошилинч операциялардан кейин операциядан кейинги сафро оқиши учун ҳаракатларнинг такомиллаштирилган алгоритми кўриб чиқилган. Таклиф этилган ҳаракатлар алгоритми 1-расмда келтирилган.

Таклиф этилаётган даволаш ва диагностика алгоритмига кўра, семизлик фонида ЎТК да шошилинч жарроҳлик аралашувлардан сўнг беморларда операциядан кейинги СО (сафроли перитонит) учун шикоятларни таҳлил қилиш, бирламчи операциянинг хусусиятларини аниқлаш билан анамнез йиғиш (ЛХЭ, мини-киришдан ХЭ ёки “анъанавий” ХЭ, қайта ЭКГ, клиник ва такрорий лаборатор текширувлар (қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, биокимёвий таҳлиллар) ўтказилди. Ҳамроҳ терапевтик патологиялар аниқланган ҳолларда, хирургия бўлимида уларнинг тузатилиши терапевтлар, кардиологлар, эндокринологлар ва бошқа мутахассислар (патологиянинг хусусиятига қараб) билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Параллел равишда, биринчи навбатда, энг кўп фойдаланиладиган ва ноинвазив бўлган нур-ташхисот усули сифатида УТТ ўтказилди. Кўрсатмаларга мувофиқ, ушбу текширувни замонавий кўчма ускуналар ёрдамида бемор жойида ҳам ўтказиш мумкин.

Олдин ўтказилган операцияни инобатга олган ҳолда, алоҳида эътибор қуйидагиларга қаратилди: қорин бўшлиғида экссудат мавжудлиги ва унинг тарқалиш даражаси, жарроҳлик аралашуви соҳасининг ҳолати, дренаж найчаларининг ҳолати (айниқса умумий ўт йўли дренажланган ҳолларда), шунингдек, ятроген шикастланиш ёки окклюзия (холедохнинг қисман ёки тўлиқ клипсаланиши ёки кесиб юборилиши) хусусиятига.



1-расм. Сафро оқишида даволаш ва диагностика алгоритми

Чунончи, бизнинг контингент турли даражадаги семизликка эга беморлардан иборат бўлгани учун, биз Келли (2022) томонидан таклиф қилинган тана вазни индекси (ИМТ)ни аниқлаш формуласидан фойдаландик.

Семизликнинг 1-босқичи аниқланганда (БМИ 30-34), ташхисни аниқлаштириш ва жарроҳлик тактикасини аниқлаш учун тадқиқот давомида Клексан билан терапия бошланди - тери остига 20 мг қайта операциядан олдин, 20 мг қайта операциядан кейин, шунингдек кардиомагнил билан терапия - операциядан кейинги биринчи кундан бошлаб 0,075 мг / кун.

Семизликнинг 2-даражаси аниқланганда (БМИ 35-39), Клексан билан терапия бошланди - қайта операциядан олдин тери остига 40 мг, қайта операциядан кейинги биринчи кунларда 60 мг, шунингдек, кардиомагнил билан терапия - қайта операциядан кейинги учинчи кундан бошлаб - кунига 0,075 мг. Семизликнинг 3-даражаси (БМИ 40) аниқланганда, Клексан билан терапия бошланди - қайта операциядан олдин тери остига 40 мг, қайта операциядан бир соат ўтгач ва 2-3-куни - кунига 1 марта 20 мг. Кардиомагнил терапияси - кунига 0,075 мг, қайта операциядан кейинги 4 кундан бошлаб амалга оширилди.

Агар операциядан кейинги даврда нохуш ўзгаришлар сабабли чегараланган перитонит мавжуд бўлиши эҳтимол қилинса, релапароскопияга мурожаат қилинди. Диагностик босқич кўпчилик беморларда даволаш лапароскопик усуллари билан тугалланди.

Агар қорин бўшлиғида эркин суюқлик мавжуд бўлмаса, одатий постоперацион муолажалар комплекси (симптоматик терапия) давом эттирилиши лозим. Ультратовуш текширувида суюқлик излари ёки унинг 100 мл дан кам миқдорда мавжудлиги аниқланганда, консерватив терапияни давом эттириш билан фаол динамик мониторинг зарур. Протеаза ингибиторлари ва антисекретор препаратлар қўшилиши керак, шунингдек, доимий декомпрессия трубкаси ёрдамида ошқозон аспирация қилиниши керак.

Қорин бўшлиғида 100 мл дан 500 мл гача эркин суюқликнинг чегараланган йиғилиши чегараланган шикастланишни ва жараённинг чекланганлигигиа шубҳа қилиш имконини беради. Агар эркин суюқлик қорин бўшлиғи бўйлаб тарқалиб, ҳажми 500 мл дан ошса, бу ҳаёт учун хавфли асоратнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Ушбу контингент шошилинч равишда (кўрсаткичларга кўра) КТ ёки МСКТдан ўтиши керак. Тегишли - даволаш стратегиясини аниқлаш учун ЭРПХГни ўтказиш керак. Ўт пуфаги йўли орқали интраоператив холангиография ўтказиш гипертензия сабабини бартараф қилишга имкон беради. Бундай ноқулай шартларда унинг сабабини бартараф этишни очиқ усулда амалга ошириш осонроқ ва хавфсизроқдир.

Лапароскопик аралашув тактикаси холангиография натижаларидан келиб чиқиб аниқланади ва у ўт пуфаги йўлини клипсалаш, уни дренажлаш ёки операция ҳажмини кенгайтиришдан иборат бўлиб, лапаротомияга ўтишни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Барча ушбу муолажалар қайта операцияга фаол тайёргарлик кўриш давомида, анестезиолог-реаниматолог ва тегишли мутахассислар (хамроҳ терапевтик патологиянинг мавжудлиги ва

хусусиятига қараб) билан биргаликда амалга оширилади. Муайян клиник ҳолатларда релапароскопия қайта операция қилиш усули бўлиши мумкин.

Умуман олганда, олинган маълумотлар қайта операция усулини оптималлаштириш имкониятини берди, яъни видеолапароскопик ёки «анъанавий» усулда.

